

“O‘ztemiryo‘lyo‘lovchi” AJNинг
“ _____ ” _____ 2024 йилдаги
№ _____ -сонли буйруғига __ -илова

“O‘ZTEMIRYO‘LYO‘LOVCHI” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “O‘ZTEMIRYO‘LYO‘LOVCHI” AJ (кейинги ўринларда – Жамият)нинг Одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) фаолиятини тартибга солади.

2. Комиссия Жамият ва унинг минтақавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда – Тизим ташкилотлари) ходимлари (кейинги ўринларда — Жамият ходимлари) томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларини олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

3. Комиссия фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчилари одоб-ахлоқининг Намунавий қоидаларига, ушбу Намунавий низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда Жамиятнинг ички локал ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Комиссия Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим.

Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган Жамият ходимлари киритилади.

Комиссия таркиби Жамият бошқаруви раиси буйруғи билан тасдиқланади ва доимий равишда фаолият юритади.

Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.

2-боб. Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Жамият ходимларининг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш;

Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш;

Жамият ходимлари ўртасида ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Жамият ходимларининг хатти-ҳаракатларига доир муурожаатларини кўриб чиқиш;

Жамият ходимларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Жамият ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш, натижалари ҳақида Жамият раҳбарияти ва жамоатчиликни хабардор қилиб бориш.

6. Комиссия ўз ваколатлари доирасида:

Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан хулосалар тайёрлайди;

Жамият ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари билан боғлиқ масалаларини кўриб чиқиш жараёнида зарур ахборотни сўраб олади;

кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни ҳал этиш учун Комиссия мажлисларига экспертлар ва мутахассисларни жалб қилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига оид масалалар юзасидан Жамият ходимларига тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар беради;

зарур ҳолларда, Комиссияда кўриб чиқилган масалалар бўйича Жамият ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш юзасидан Жамият бошқаруви раисига таклиф киритади.

7. Комиссия Жамиятнинг таркибий бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қилади.

8. Комиссия фаолиятини ташкил қилиш ва Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

9. Комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

Комиссия мажлислари очик тарзда ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

10. Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у йўқлигида эса, унинг топшириғига биноан Комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Комиссия мажлисида баённома юритилади, у раислик қилувчи ва Комиссия котиби томонидан имзоланади.

11. Комиссия мажлислари, агар уларда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

12. Комиссиянинг навбатдаги мажлиси тўғрисида унинг раиси Комиссия аъзоларига ёзма равишда, қоида тариқасида, камида икки кун олдин хабар қилади, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

13. Комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашган Комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Комиссиянинг қарорлари Комиссия раиси томонидан имзоланади.

14. Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил этади;

Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказди;

Комиссия аъзоларига топшириқлар беради;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалари, тизим ташкилотлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, мансабдор шахслар ва жамоатчилик билан бўлган муносабатларда Комиссия номидан иш юритади;

Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади;

ҳар йили Жамият бошқаруви раисига Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

15. Комиссия котиби:

Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, Жамият ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қилади;

Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.

16. Комиссия аъзоси:

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;

қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;

кўриб чиқиладиган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли.

17. Комиссияси аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Комиссия аъзоси Комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаганда Комиссия раисини олдиндан хабардор этиши лозим.

18. Комиссия мажлисида кўрилаётган масалалар Комиссия раиси, котиби ва аъзоларига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши шарт.

4-боб. Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш

19. Комиссия Жамиятнинг Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси ҳамда Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси билан биргаликда мунтазам равишда Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишини олдини олишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:

Жамият ходимларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

Жамият ходимлари «ҳалоллик вакцинаси» билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;

Жамиятда таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳасининг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш;

Жамият ходимларининг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий такомиллаштириш ишларини таъминлаш;

Жамият ходимларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлар ташкил этиш;

янги ишга қабул қилинган Жамият ходимларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик суҳбатлар ташкил қилиш;

Жамият ходимларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.

20. Комиссия Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) борасидаги ўз фаолиятини Комиссия томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида олиб боради.

21. Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чоралари Комиссия томонидан Жамиятнинг тегишли таркибий бўлинмалари, тизим ташкилотлари раҳбарлари ҳамда касаба уюшмалари кўмиталари билан биргаликда ташкил этилади.

22. Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлиги йил якунлари бўйича ўтказиладиган Комиссия йиғилишида муҳокама қилинади.

5-боб. Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби

23. Комиссия Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишлари билан боғлиқ масалаларни:

Жамият бошқаруви раисининг топшириғига кўра;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан;

Жамият ходимларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан;

ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.

24. Комиссия мажлисига, ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва ҳолисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилаётган Жамият ходимлари, зарур бўлган ҳолларда эса, мурожаат қилувчи ва бошқа шахслар таклиф этилади. Комиссия мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг келмаслиги мурожаатни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

25. Комиссия мажлисида:

кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади;

Жамият раҳбарининг топшириғи ёки Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади;

одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган Жамият ходимлари ва мурожаатчиларнинг тушунтиришлари эшитилади.

26. Жамият ходимлари ўзининг ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қиммати, ишчанлик обрўсига дахл қиладиган мурожаат бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзини ҳимоя қилишга, Комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақли.

27. Мажлис якуни бўйича Комиссия Жамият ходимларининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

28. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда Комиссия томонидан Жамият ходимларига қуйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:

огоҳлантириш;

узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;

Жамиятнинг коллегиял йиғилишларида танбеҳ бериш.

29. Комиссия Жамият ходимларига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун Жамият бошқаруви раисига тақдимнома киритиши мумкин.

30. Комиссия томонидан қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:
комиссияда олдин кўриб чиқилган мурожаат ва айнан шу мазмундаги такрор мурожаатлар;

аноним мурожаатлар;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

31. Комиссия қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган Жамият ходимларига ва Жамият бошқаруви раисига ёзма равишда маълум қилади.

32. Комиссия одоб-ахлоқ қоидалари Жамият бошқаруви раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни Жамиятнинг ягона акционерига юборади.

33. Комиссиянинг қарори устидан Жамият бошқаруви раисига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

34. Жамият ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳақидаги мурожаат унинг ташаббускори томонидан Комиссия қарори қабул қилингунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

35. Тарафлар ярашган, шунингдек Жамият ходими ўз хоҳиши билан мурожаатчидан ошқора узр сўраган ҳолларда, унга нисбатан таъсир чоралари қўлланилмаслиги мумкин.

Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил қилиш ва Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қондаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
I. Комиссия фаолиятини ташкил этиш			
1-босқич	Жамият бошқаруви раиси	1. Жамиятнинг Одоб-ахлоқ комиссиясининг (кейинги ўринларда — Комиссия) Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат таркибда, умумий сони камида беш нафардан кам бўлмаган миқдорда тоқ сонда шакллантириш. 2. Комиссия таркибига тажрибали, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга сазовор бўлган Жамият ходимларини киритиш. 3. Комиссия таркибини тасдиқлаш.	Икки ҳафта муддатда
		4. Комиссия таркибига комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви эҳтимолини назарда тутган ҳолда ўзгартириш киритилади.	Заруратга кўра
2-босқич	Комиссия раиси	Комиссия ишини ташкил этади, комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказиши мажлисга раислик қилади. Комиссия номидан иш юритади, Комиссия мажлисларида Комиссия фаолияти тўғрисидаги ахборот билан сўзга чиқади. Жамият бошқаруви раисига Комиссия фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.	Маълумотлар киритилган вақтдан бошлаб Ҳар йили йил якуни бўйича
	Комиссиянинг котиби	Кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади. Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қилади. Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-	Мажлисдан камида икки кун олдин Мажлисдан кейин бир кун муддатда

	<p>техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади, навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди.</p> <p>Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди.</p>	
--	---	--

II. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларини кўриш

<p align="center">1-босқич</p>	<p align="center">Комиссия</p> <p align="center">Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари</p> <p align="center">касаба уюшмалари кўмиталари</p>	<p>Комиссия мунтазам равишда Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва уларнинг бузилишининг олдини олишга қаратилган қуйидагиларни назарда тутувчи профилактик комплекс чора-тадбирларни амалга оширади:</p> <p>Жамият ходимларида юксак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;</p> <p>Жамият ходимларини «ҳалоллик вакцинаси» билан эмлаш, яъни ҳалолликни уларнинг онгига сингдириш, маърифат орқали уларда коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш кайфиятини шакллантириш;</p> <p>Жамиятда таниқли зиёлилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳаси, шунингдек диний соҳанинг кўзга кўринган намоёндалари, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийларини жалб қилган ҳолда, учрашувлар ташкил қилиб бориш;</p> <p>Жамиятда ходимларининг касбий ва бошқарув кўникмалари ўсишини, шунингдек уларнинг малакасини доимий равишда оширишни, улар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш мақсадида уларнинг билимлари ва малакасини доимий ошириш ишларини таъминлаш;</p> <p>Жамият ходимларининг иқтисодий билимларини, ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини, интеллектуал ва маънавий ривожланишини таъминлаш мақсадида иқтисодий ва ҳуқуқий ўқишлар ташкил этиш;</p> <p>янги ишга қабул қилинган Жамият ходимларини одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш борасида</p>	<p align="center">Комиссия томонидан тасдиқланадиган чораклик иш режалари асосида</p>
---------------------------------------	--	--	---

		стажировкадан ўтказиш ва улар билан профилактик суҳбатлар ташкил қилиш; Жамият ходимларини малака ошириш курсларига, халқаро семинарлар, конференциялар ва шу каби бошқа тадбирларга юбориш, улар томонидан ўз касбий даражаси ва ахлоқий сифатларини мустақил оширишлари учун шарт-шароит яратиб бериш.	
--	--	---	--

2-босқич	Комиссия	Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш (профилактика) чораларининг натижадорлигини Комиссия йиғилишида муҳокама қилади.	Ҳар йили яқунлари бўйича
-----------------	----------	---	--------------------------

Ш. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш

1-босқич	Комиссия	Комиссия Жамият ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишлари билан боғлиқ масалаларни: Жамият бошқаруви раисининг топшириғига кўра; хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мурожаатига асосан; Жамият ходимларининг, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига биноан; ўз ташаббуси билан кўриб чиқади.	Заруратга кўра
-----------------	----------	--	----------------

2-босқич	Комиссия раиси ва аъзолари	Комиссия мажлисида: кун тартибидаги масала ўқиб эшиттирилади; Жамият бошқаруви раисининг топшириғи ёки Жамият ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаат ўқиб эшиттирилади; одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганликда айбланаётган Жамият ходими ва мурожаатчилар тушунтиришлари эшитилади.	Мажлис ўтказиладиган кун
	Жамият ходими	Ўзининг хуқуқи, шаъни ва қадр-қимматига, ишчанлик обрўсига дахл қиладиган мурожаат бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзини ҳимоя қилишга, Комиссияга зарур материаллар ҳамда бошқа ахборотларни тақдим этишга ҳақли.	

3-босқич	Комиссия	<p>1. Мажлис якуни бўйича Жамият ходимининг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши фактининг мавжудлигини ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.</p> <p>2. Одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги факти аниқланган тақдирда Жамият ходимларига қуйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўллайди: огоҳлантириш; узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш; Жамиятнинг кенгайтирилган мажлисида танбеҳ бериш.</p> <p>3. Жамият ходимига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун Жамият бошқаруви раисига тақдимнома киритиши мумкин.</p> <p>4. Қабул қилинган қарор ҳақида муурожаат қилувчига, ўзига нисбатан масала кўриб чиқилган Жамият ходимига ва Жамият бошқаруви раисига ёзма равишда маълум қилади.</p>	Мажлис ўтказиладиган кун
4-босқич	Комиссия	Одоб-ахлоқ қоидалари Жамият бошқаруви раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан тегишли чора кўриш масаласи юзасидан таклифларни Жамиятнинг ягона акционерига юборади.	Заруратга кўра
5-босқич	Жамият ходими	Комиссиянинг қарори устидан Жамият бошқаруви раисига ёки судга шикоят қилиш мумкин.	Заруратга кўра